





«25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳиёб-га олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас».

Ушбу модда Ўзбекистонда биринчи марта инсонларга ҳақиқий шахс эркинлиги ва шахс дахлсизлигини кафолатлаб беради. Илгариги Конституцияларда ҳам шахс дахлсизлигини қузда тутувчи нормалар мавжуд эди. Лекин улар фақат қозғоғдагина эди, ҳолос.

Келинг, яқин тарихимизга бир назар ташлайлик! Собиқ тоталитар тузум шароитида доимо «халқ душманлари», «айбдор қўпурувчилар», «қора қўчлар», «антисоветчилар» изланиб, ҳатто бутун бир миллатга порахуру текинхурлар сифатида қаралиб, ёппасига айбланарди. Юртимизда шуро ҳокимияти ўрна-тилган пайтдан бошлабқ миллий озодлик кураши қаҳрамонла-рини босмачилар, каллакесарлар, «халқ душманлари»га айлан-тириб қўйилган эди. Мадаминбек, Жунаидхон каби миллий қаҳ-рамонларимиз, минг-минглаб миллий-озодлик кураши ишти-рокичилари босмачи, каллакесар сифатида судсиз-суроқсиз тур-маларга ташланган, қўғвин қилинган, қириб ташланган эди. Уйлаб қўринг-а! Уш юртида ўз миллий мустақил давлатини туз-моқчи бўлганлар босмачими? Бу масалани чуқур ўрганиб чи-қиш керак! Яна кейинчалик авж олдирилган қатагон йиллари-ни, Чўлпон, Фитрат, Қодирий каби жувонмарг бўлганларини, пахта яккахокимлигининг муҳдиш оқибатлари — «пахта иши-деб бутун халқимизга нисбатан уюштирилган тўхмату бўҳтон-ларни ва бунинг оқибатида минглаб бегўнох кишиларнинг но-қонуний суратда судсиз-суроқсиз ушланиб турилганигини, қа-маб юборилганини ва ҳоказоларни эслашнинг ўзи қийоф. Хул-лас, собиқ тоталитар тузумдаги «шахс эркинлиги», «шахс дахл-сизлиги» деган инсоний кадриятлар яна шундай «кафолатлан-ган» эди.

Аллоҳқа шукрки, юртимизда мустақиллик шарофати ила «ки-зил империя» емирилди, шуро тузуми қўлади. Ўзбекистон ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини танлаб олди. Бу йул адолатли ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган йул бўлиб, ун-да инсон ҳаёти, шахси ва эркинлиги тула дахлсиздир.

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда

## ШАХС ЭРКИНЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИ — МУҚАДДАС

Шу уринда «эркинлик», «дахлсизлик» деган ибораларнинг тушунчасини билиб олиш зарур. Эркинлик — бу инсоннинг объек-тив заруратлар натижасида ўз манфаатлари ва мақсадлари йў-лида ҳаракат қилиш имкониятидир. Бу ҳар қандай тусиқ, гов, монелик ва шу қабиладардан ҳоли бўлиш ва бемалол ҳаракат қилишидир. Дахлсизлик эса — бу инсонлар озодлигининг, эркин ҳаёт тарзининг ҳар қандай қасд ёки таъвозулардан, гайриқону-ний чекланишлардан ҳимоя қилинишидир.

Конституциясизда ҳар бир инсонга эркинлик ва шахс дахл-сизлиги ҳуқуқи эълон қилинар экан, бунда инсон ҳуқуқларига оид халқро ҳужжатлар асос қилиб олинган. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари умумжапон Декларацияси»нинг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» дейилган бўлса, фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро Пактининг 9-моддасида «Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким узобошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳиёбда сақланиши мумкин эмас, озодликдан маҳрум этиш қонунда белгиланб қўйилган асослар-да ва қонун-қоида таъмилига биноангина қилиниши мумкин», деган қоидалар илгари сурилган.

Ўзбекистонда инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳу-қуқи юқоридаги халқро ҳуқуқий меъёрлар асосида конститу-цион йул билан мустаҳкамланади, давлат томонидан ҳимоя қи-линади ва кафолатланади.

Инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи аввало унинг ҳаёти, соғлиги, ор-номуси, қадр-қиммати дахлсиз эканли-гини назарда тутади. Шунингдек, бу ҳуқуқ ҳар бир инсоннинг э

# ЧОПРАХА

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1995 йилнинг декабрь ойида чиқарган «Механик транспорт воситалари ва тиркамаларининг давлат техник кўригидан ўтказиш тўғрисида» фармойиши 1996 йилда техник кўрикдан ўтиш тартиб-қоидаларини белгилайдиган муҳим ҳужжатдир. Биз Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси тарғибот бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Азиз Эрназаровдан бу йилги техник кўриқнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Мутасаддилар фикрича...

## БУ ЙИЛГИ ТЕХНИК КҮРИК

— Азиз Тўғонович, айтингчи, бу йил техник кўрик жойларда қайси муддатларда ва қай тартибда ўтказилади?

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус буйруғи билан тасдиқлангандек, техник кўрик Давлат автомобиль назорати томонидан корхоналар, муассаса ва ташкилотларга қарашли механик транспорт воситалари ва тиркамалари учун ҳар йили 1 мартдан 30 июнгача, шахсий транспорт воситалари (автобус ва микроавтобуслар бундан мустасно) ва тиркамалар учун икки йилда бир марта — 1 январдан 31 августгача, шахсий автобус ва микроавтобуслар учун бир йилда бир марта — 1 январдан 31 августгача ўтказилади.

Техник кўриққа тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари бўйича пойтахт туманлари ҳокимликлари мутасаддилари автотранспорт корхоналари раҳбарлари иштирокида 20 февралга қадар йиғилишлар ўтказиладилар. Давлат автомобиль назорати ҳизматининг туманлардаги бўлими ва бўлиммалари ушбу туманлардаги мудофаа ишлари бўйича бўлимлар билан ҳамкорликда туманлар ҳудудига жойлашган автоҳўжаликларда Давлат техник кўригини ўтказиш учун ДАН ходимлари, мудофаа ишлари бўйича бўлимлар вакиллари ва автоҳўжаликлар муҳандис-техник хизматчиларидан иборат ишчи гуруҳлари тuzиладилар. Сўнг эса ҳамкорликда туман ҳокимликлари томонидан тасдиқланган техник кўриқдан ўтказишнинг умумлаштирилган ҳафтали ишлаб чиқилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситалари диагностика анжонлари билан жиҳозланган корхоналарда, транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун зарур шароитларга эга бўлмаган муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг автоуловлари шу туман Ички ишлар бўлими ДАН хизматининг техник назорат тармоғи ёки мазкур тумандаги бошқа керакли шароитларга эга корхоналарда техник кўриқдан ўтишлари мумкин.

Такси сифатидаги автомашиналар, автобус ва микроавтобуслар эса Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси диагностика тармоғида техник кўриқдан ўтказилади.

Шахсий мулкдаги автотранспорт воситалари ва тиркамалар (автобус ва микроавтобуслардан ташқари) чиққан йилга қараб ҳудди илгаригидек ҳар икки йилда бир марта, автобус ва микроавтобуслар эса йилга бир мартадан техник кўриқдан ўтишлари жоиздир. Бу йил жуфт йилларда чиққан шахсий автотранспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилади. Уларнинг кўриқдан ўтиш муддати эса 1 январдан 31 августгача давом этади.

1985 йилгача ишлаб чиқарилган шахсий автотранспорт воситалари улар соҳибларининг кўпала илтимосларига кўра автомашина рўйхатга олинган туман ДАН бўлимларида техник кўриқдан ўтиш учун мурожаат қилидилар.

Шахсий мулкдаги 1985 ва ундан кейин ишлаб чиқарилган автомашиналар Тошкент шаҳар ДАН бошқармасининг диагностика тармоғида техник кўриқдан ўтказилади.

Аҳолига ўз шахсий машиналарида транспорт хизмати кўрсатаётган шахслар эса ўз автоуловларини 1996 йилнинг 1 майдан кечикмаган ҳолда пойтахт ДАН бошқармасининг Халқлар Дўстлиги кўчаси, 118-А уйда жойлашган диагностика тармоғига олиб боришлари жоиздир.

Бу борада яна бир янгилик этилганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Давлат автомобиль назорати хизмати ходимлари автотранспорт воситаларини техник кўриқдан факат туман солиқ инспекциясининг белгиланган тўловлар тўлагани тўғрисидаги маълумотномаси ва техник кўриқдан ўтказиш учун йиғимлар тўлангани ҳақидаги чипта тақдим этилганидан сўнггина ўтказиладилар.

— Транспорт воситалари учун тўланадиган солиқ ва йиғимлар микдори ҳам ўзгардимми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 декабрдаги Қарорига мувофиқ транспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланадиган машина ва механизмлар учун янги солиқ микдорлари белгиланди. Унга кўра ҳар бир енгил автомобильга у шахсий мулкда бўлса ҳар от кучига 9 сўм 40 тийин, давлат транспорт енгил автомобиллига 18 сўм 80 тийин ёки ҳар бир қиловат қувват учун 26 сўм 25 тийиндан солиқ олинади. Шахсий мотоцикл ва мотороллерлар учун солиқ ҳар бир от кучига 5 сўм 60 тийин, давлат мототранспорти учун 11 сўм 25 тийин ёки ҳар бир қиловат қувват учун 15 сўмдан белгиланди.

Юк ташувчи транспорт воситалари, автобус ва микроавтобуслардан эса шахсий мулк сифатида бўлса 18 сўм 75 тийин, шундай давлат транспортлари учун 37 сўм 50 тийин ёқуд ҳар бир қиловат қувват учун 50 сўм 60 тийиндан солиқ олинади.

Субсидия Дилшод ИСРОЙЛОВ ёзиб олди.

Турли русумдаги автомобиллар қўлайиб, йўл ҳаракатининг тизиллашиб бораётгани болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масаласига ҳам катта эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Эеро, ота-оналарнинг эътиборсизлиги деймизми, мактаблар ва бошқа ўқув корхоналарида бу масалага юзак қаралаётгани сабаблими ҳар ҳолда жондан азиз болажонларимиз иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари юз бериб қўчилиқ бир умрга ногирон бўлиб қолмоқда. Айрим умирлар эса ҳаётдан бевақф қўз юммоқда.

Албатта, Давлат автомобиль назорати хизмати ходимлари ҳам бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида кўпгина ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Қўмладан, Тошкент шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини тарғиб қилиш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида утган йил қатор ижобий ишлар амалга оширилди, бир қанча рейд ва махсус тадбирлар ўтказилди. Натижада йўлларда юз берган кўнгилсиз воқеалар, жумладан болалар иштирокидаги фалокатлар сони анча қисқарди.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, мана учинчи йилдики шахримиз туманларида болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан махсус тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Унга кўра шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ДАН бошқармаси, ту-

Харакат хавфсизлиги учун

## ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

кил этилади. Махаллаларда ва ота-оналар мажлисларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мавзусига бағишланган суҳбатлар, савол-жавоб кечалари мунтазам равишда ўтказилади. 1994 йили бундай тадбир илк бор таъриб таъриқасида Яқкасарой туманида ўтказилди. Утган йили эса Шайхонтоҳур туманида тадбир этилиди ва у болалар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бора-сида анчагина яхши ишлар амалга оширилган бўлса-да, А.Икромов туманида болалар билан боғлиқ йўл ҳаракати ҳо-

дисалари 13,3 фоизга ортди. Шу сабабдан жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб Яқкасарой ва Шайхонтоҳур туманларида тулпанган ижобий таъриблар асосида А.Икромов туманида ҳам болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида махсус тадбир бошланди. Унга кўра тумандаги 33 та мактабга таърибали ДАН ходимлари бириктирилди. Бир йилоракка мулжалланган тадбирни ўтказиш юзасидан дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Ҳозир мактабларда, махаллаларда амалий-тарғибот ишлари қиз-гин кетмоқда.

Куни кеча эса тумандаги 14-мактабда барча мактаблар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шунингдек Тошкент шаҳар ДАНБ тарғибот бўлими ҳамда туман ДАН бўлими тарғибот нозирлари ҳам иштирок этидилар. Қизилқарғи ўқув-тарғибот чоғида ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш борасида кўмак бериш, мактабларда автомайдончалар қуриш, ҳаракат хавфсизлиги бурчаги ва синфлари ташкил этиш ҳақида келишиб олинди. Бундан ташқари йўлларда ҳаракатланиш қоидалари даси кўргазмалар қўроллар ёрдамида ўқилиш лозимлиги таъкидланди. Йиғилиш охирида мактаблар директорлари ва муаллимлари қизиктирган саволларга ДАН ходимлари атрафлича жавоб қайтаришди. Уйлаймизки, А.Икромов туманида ўтказилаётган ушбу хайрли тадбир ҳам ўз ижобий натижасини бериб, болалар ўртасида кўнгилсиз ҳодисалар сони камайд.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Йўл қоидалари тарихидан

## ДАСТАБКИ БЕЛГИЛАР ВА КЎРСАТКИЧЛАР

«Йўл ҳаракати қоидалари тарихидан» деб номланган янги руқналар ташкил этилди. Бу руқналардаги мақолалар орқали сиз азиз мушаррийлар йўл ҳаракати қоидалари тарихига оид қизик маълумотлар билан таъминланган бўлиб.

Йўлларда ҳаракатланиш тартибига солиш шалларидан бири — йўл белгиларидир. Дастлабки белгилар туртта белги 1909 йилда автомобиль ҳаракатига доир Париж конференциясининг кейин пайдо бўлди. Улар думалоқ шаклга эга бўлиб, ундаги тиссоллар ҳозиргиларга жуда ўхшар эди. Белгилар ҳа-вфнинг борлигини: темир йўлдан ўтиш жойини, эгри-бугри йўлни, қоракчаларни ҳамда йўлнинг транспорт қат-найдиган қисмидаги нотекис-ликларни билдирар эди.

Йўл кўрсаткичларининг ҳам тарихи узок. Қареталар, от аравалар, пивда сайёҳларининг сони кўпайиши билан босиб ўтилган ва қолган қа-қиримларни қайд этувчи ҳам-да йўлда тўғри мулжал олиш-га ёрдам бериш учун устунлар ўрнатилар зарурати пайдо бўл-ди.

Эҳтимол сиз «Коломенск қақиримлари» деган иборани эшитган бўлсангиз керак. Бу таъриб Коломенск қишлоғининг номидан келиб чиқ-қан. Подшо Алексей Ми-хайлович шу қишлоқда ўзига сарой қурдириб, қўлчан дам олиш учун у ерга борар эди. Қўнларнинг бирини у йўлни ўлчаб чиқш ва ҳар бир қа-қирим билан устунлар би-лан белгилаш ҳақида буйруқ берди. Подшо Коломенск қишлоғига бораётганда уст-унлар ёнига ойбонта тутган қўриқчилар қўйиларди. Вақт ўтиши билан устунлар бош-қа кўпгина йўлларга ҳам ўр-натиларидан бўлди. Подшо Пётр устунларни рус миллий байроғи рангига бўяб, катта йўлларга ўрнатилиши, аҳоли яшайдиган, дарё ёки қўллар-га яқин жойларга эса улар-нинг нисбати ёзиб қўйилиши буюрди.

Йўллар ўтди. Янги йўллар қурилди, уларнинг ободончи-лиги яхшиланди. Йўл белги-ларининг тури ва сони кўр-пайди. 1909 йилдан бошлаб амал қилинаётган Халқаро тизимнинг туртта белгисига яна иккита белги: «Қўриқлан-майидан темир йўлдан ўтиш жойи» ва «Тўхш шарт» де-ган белгилар қўшилди.

1931 йилда Женева кон-ференциясида йўлларда бир хилдаги белги-ишораларни жорий этиш ҳақида конвен-ция қабул қилинди. Белгилар уч гуруҳ бўйича, яъни: оғоҳ-лантирувчи, тақиловчи, қўр-сатувчи белгиларга ажратил-ди ва уларнинг сони 26 тага-ча кўпайди.

Намуна

ДАН ходими, милиция сержанти Эркин Қосимов тўғиз қоррақда йўл ҳаракатини бошқармоқда.

Рустам Шарипов олан сурат.



● Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ДАН бўлими йўл-пат-руль хизмати катта нозир, милиция катта лейтенанти Р. Юнусхўжаев 11 январь ку-ни ДАН нозирлари — мили-ция сержантлари Х.Йўлдо-шев ва А.Мираслановлар би-лан биргаликда Феруза да-хасида «ВА3-2107» русумли т 85-57 ТН давлат рақамли транспорт воситасини олиб қочган А.А.ни қўлга олишди. Жиноятчи Мирзо Улуғбек ту-ман милициясига топширил-ди.

● Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ЙПХ 4-рота катта нозир, милиция старшинаси А.Жу-рабев хизмат вазифасини 1996 йил 9 январь куни «Уч қахрамон» ДАН масканида утаётганда Юнусобод тумани ИИБ ДАН бўлими ходим-лари билан биргаликда «Мо-сквич-412» русумли м 94-13 ТН давлат рақамли транспо-рт воситасини олиб қочган К. ва М.ларни қўлга олиб Юнусобод тумани шаҳар ми-

Кўча тасодифлари

## ҚИСКА САТРАПАР

зифасини 1996 йил 9 январь куни «Уч қахрамон» ДАН мас-канида утаётганда текшириш учун «ЗИЛ-133» русумли В 467 ЛУМ рақамли транспорт воси-тасини тўхтатди. Текшириш вақтида автоуловнинг агрегат рақамлари техник талондаги ёзувига тўғри келмаслиги аниқланди.

● Тошкент шаҳар ИИБ ДАН 4-рота нозир, милиция сержанти А.Чинибеов хизмат вазифасини 1996 йил 5 я-нварь куни «Эркин» ДАН мас-

кент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Давлат автомо-бил назорати бошқармаси-нинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланган. Энг билимдон иштирокчиларга шу-нингдек пойтахт ДАН бошқар-масининг 2 та махсус соври-ни: махсус легалланган ҳайдов-чилик гувоҳномаси ҳамда ма-шинанинг нуфузли давлат ра-қамлари топширилди. Танлов ғолибларининг номлари «Оқ-шом» газеталарида эълон қи-линади.

Шундай қилиб «Йўл ҳара-кати қоидалари билимдони» тан-ловнинг дастлабки саволла-рини эълон қиламиз.

1. Ўзбекистонда Давлат автомобиль назорати хиз-мати қачон ва қерда илк бор ташкил этилган?

2. Туркестонга дастлаб қайси йили транспорт воси-таси кириб қолган?

3. Жаҳон мамлакатлари ичра қачон ва қерда би-ринчи йўл-транспорт ҳоди-саси содир бўлган?

ЖАВОБЛАРИНИЗНИ КЎТАРИН.



Ҳозир шахримиздаги мактабларда болалар ўртасида йўл-тран-спорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида мана шундай атра-ли тадбирларни ўтказиш одат тусига кирмоқда.

Даврон Аҳмедов олан сурат.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ

ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-даги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида инглиз тилини ўрганиш бўйича БМТнинг 3 ойлик интенсив курслари очилмоқда. Курслар-даги ўқиш тугагандан сўнг битирувчилар Евро-па, Осиё ва Америка мамлакатларида (3-6 ой муддати билан) стажировкадан ўтишади. Стажи-ровка БМТ маблағлари ҳисобига таъминланади.

Дарслар гуруҳлар ташкил этилганидан кейин бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: 45-71-72, 45-69-48, 45-69-03 (факс). Манзиллими: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй, 2-корпус, 104-хона.

## ТАШКИЛОТ

Пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни СОТАДИ:

● «НШ-50», «НШ-32», «НМШ-25» насосларни (Ук-раина маҳсулотини),  
● кескичлар, «ДУ-50», 80, 100" задвижкалари (пў-латдан).

ХАРИД ҚИЛАДИ:

● тозаланган ерёнгоқ,  
● пивёз уруғи,  
● «ЭЖК», «ГЖК» озик-овқат маҳсулотлари сақлана-диган тунука идишлар.  
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: метронинг «Ха-мид Олимжон» бекати, Икромов кўчаси, 4-уй.  
Телефонлар: 34-62-34, 33-22-69, 23-05-57, 23-12-37 (кечқурун).

The American Embassy is seeking candidates to fill the vacant position of a Cashier with at least 2 years of experience in accounting, cashiering and other financial areas, excellent command in English language and operational knowledge of American software (Microsoft Word and Excel for Windows). Applications (the forms are available in the Embassy) should be submitted in envelopes within ten days from the date of the ad. Address: 82 Chilanarskaya St. Tashkent.

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ишлаб чи-қариш бирлашмаси Ҳамза туман Хиссдорлик-Ти-жорат Саноат Қурилиш Банкда молиявий опера-цияларини тугатиши муносабати билан давлат кор-хоналари, қўшма корхоналар, ташкилотлар, муас-сасалар ва ҳусусий фирмаларга шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувчиларга ҳақ тўлаш учун ўзининг янги реквизитларини маълум қилади:  
ТШТТРЭИБ. Ҳисоб рақами 000428329, кор: ҳи-соби 700161821.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ва радио эшиттиришлари ишлаб чиқариш бирлашмаси.

## ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан:  
● «Алтай» русумли «Т-4», «ДТ-75», «МТЗ-80», «Т-28» тракторлари учун эҳтиёт қисмлар,  
● «СМД-20» комбайни,  
● гильзалар,  
● поршенлар,  
● кольялар,  
● коленавал,  
● эҳтиёт (ходовой) қисмлар,  
● подшипниклар,  
● салыниклар ва бошқаларни

СОТАДИ.

Тўлов шакли: пул ўтказиш, вексел йўли билан. Телефонлар: 50-48-01, 74-44-58.

«Ўзбек Давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номидаги

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(«Хадра» майдони)  
21 март соат 12 ва 15.00 да НАВРЎЗ  
умумхалқ баҳор байрамига бағишланган КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

## БОЛАЛАР, СИЗАЛАР ҲАҚИ

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида — 22 мартдан 31 мартгача соат 12 ва 15.00 да хилма-хил дастурдаги КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Касса соат 10 дан 18.00 гача очик.

Маълумот учун телефонлар: 44-35-91; 44-29-04. Мактаблардан талабномалар келса, чипталар олиб бориб берилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малякисини ошириш институтини ректорати, Қасаба уюшмаси таш-килоти Педиатрия кафедрасининг доценти Н. Н. Ганиевага умр йўлдоши, профессор

Боки Ганиевич ГАНИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент 60 йил

Йўл ҳаракати қоидалари-ни беш қўлда билиш бар-чамиз учун сув билан ҳаво-дай зарур. Йўл ҳаракати қоидаларини янада яхши-роқ тарғиб қилиш, уни ҳам-шаҳарларимиз ўртасида чу-қур ўрганиш мақсадида ва Давлат автомобиль назорати хизмати ташкил этилган-лигининг 60 йиллиги муно-сабати билан «Оқшом» га-

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI

## Муассис: ТОШКЕНТ ШАХАР ҲОКИМЛИГИ

Манзиллими:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

Телефонлар:

хатлар — 33-29-70;  
эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, горишанба ва ҳафта-куналари ҳақари. Ҳафт кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлим-ларига ёки «Тошкент почтасига» 33-74-05 телефонга мурожаат қили-шингиз мумкин.